



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - Janvar

12 -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги “Автомототранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, электромобиллар ва мототранспортлардан фойдаланиш, шунингдек, велосипедда мамлакат бўйлаб ҳаракатланишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 812-сонли қарорининг ижроси ҳақида”ги 2қ-сонли қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги 812-сонли ва бу юзадан вилоят ҳокимининг 2021 йил 4 январдаги 2қ-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш ҳамда туманда автоматотранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, электромобиллардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, велосипедда ҳаракатланишни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, велоинфратузилма ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида

**Қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги “Автомототранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, электромобиллар ва мототранспортлардан фойдаланиш, шунингдек, велосипедда мамлакат бўйлаб ҳаракатланишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 812-сонли ва бу юзадан вилоят ҳокимининг 2021 йил 4 январдаги 2қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

- қуйидагилар:

- 2021 йил 10 январдан бошлаб каршеринг ташкилотларига нотариал расмийлаштирмасдан ва ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказмасдан йўловчилар автотранспорти ва мототранспорт воситаларини жисмоний ва

юримдик шахсларга 30 кунгача муддатга қисқа муддатли ижарага бериш ҳуқуқи берилганлиги;

- каршеринг ташкилотларининг автотототранспорт воситалари Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган талабларга мувофиқ махсус таниқлик белгига эга бўлиши шартлиги; автотототранспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш бўйича фаолият иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига киритилиши;

- “Ўзавтосаноат” АЖ халқаро консалтинг ташкилотлари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 февралга қадар лойиҳаларни амалга ошириш аниқ муддатлари, ишлаб чиқариш қуввати, молиялаштириш миқдори, давлат томонидан бериладиган кўмаклар ва бошқа маълумотларни назарда тутган “Ўзавтосаноат” АЖ корхоналарида фақат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ишлаб чиқариш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда фақат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган автотототранспорт воситалари республика ҳудудида харид қилинганда ва (ёки) вақтинчалик олиб кирилганда уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотототранспорт воситалари эгалари (улардан фойдаланувчилар) томонидан тўланадиган йиғимларни бекор қилишни назарда тутилганлиги;

Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан:

- Вилоят ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси (З.Каримов), вилоят транспорт бошқармаси (Р.Бабаев), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда халқаро амалиётни ўрганиш асосида замонавий технологик тизимлардан фойдаланган ҳолда фақат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган автотототранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича зарядлаш терминалларини ўрнатишни ташкил қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва вилоят ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тақдим қилиниши.

- Вилоят транспорт бошқармаси (Р.Бабаев) ўн кун муддатда вилоятда велосипед транспорти ва велоинфратузилмани ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга ҳамда велосипед транспортини оммалаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва доимий мониторинг қилишга масъул бўлган органлар ва ташкилотлар вакиллари орасидан ишчи гуруҳи ташкил этилишини таъминлаш маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокими ўринбосари (А.Куръязов), туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ж.Тўраев) ва туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (У.Отажонов) билан биргаликда икки ой муддатда туман бўйлаб ўрнатилган мототранспорт воситаси ва велосипедда

ҳаракатланишни тақиқловчи йўл белгиларини танқидий таҳлил қилсин ҳамда тегишли ҳаракат йўналишлари бўйлаб, мазкур белгиларни олиб ташлаш чораларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклансин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**